


II. САНОАТ

1-БЎЛИМ. РЕСПУБЛИКАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Бугунги кунда республикада 55,6 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 10,7 мингтаси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 19,2 % и) Тошкент шаҳрига, 6,2 мингтаси (11,2 %) Тошкент вилоятига, 5,6 мингтаси (10,1 %) Фарғона вилоятига, 4,7 мингтаси (8,5 %) Самарқанд вилоятига ва 4,4 мингтаси (7,8 %) Андижон вилоятига тўғри келмоқда.


Жами фаолият юритаётган корхоналар сони (1 январь ҳолатига кўра)



Жами фаолият юритаётган корхоналардан саноат корхоналарининг улиши

Жами янги ташкил этилган сони

(1 январь ҳолатига кўра)




2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Саноат бу – хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли молларини яратишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш тармоғи.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.




Саноат ишлаб чиқариши ҳажми
(январь-декабрь, трлн сўмда)



Дастлабки маълумотлар бўйича 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 885,8 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 106,8 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ФҲИ
(январь-декабрь, % да)




*2024 йил январь-декабрь ойлари маълумотлари яширин иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ҳудудлар кесимида

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Навоий вилоятида (133 706,3 минг сўм), Тошкент шаҳрида (55 499,8 минг сўм) ҳамда Тошкент вилоятида (45 168,2 минг сўм) ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (23 830,6 минг сўм) сезиларли даражада юқорилигини кўрсатмоқда.


Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши
ҳажми (январь-декабрь, трлн. сўмда)



Республикада аҳоли жон бошига саноат
маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажми




Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг
ўсиш суръати (январь-декабрь, % да)




3-БЎЛИМ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ

Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, 753,6 трлн сўмни, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 85,1 % ни ташкил этди.



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада жами саноат ишлаб чиқаришидаги юқори улуш Тошкент шаҳри (19,3 %), Навоий вилояти (16,4 %), Тошкент вилояти (15,7 %), Андижон вилояти (10,2 %), Фарғона вилояти (5,4 %) ҳамда Самарқанд вилояти (5,2 %) ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан юқори ФХИ Сурхондарё вилоятида (108,9 %), Наманган вилояти (108,3 %), Хоразм ва Навоий вилоятларида (108,2 %) ва Тошкент шаҳрида (108,1 %) кузатилди.




Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, ҳудудлар кесимида

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш – табиатда қаттиқ жинслар шаклида учрайдиган (кўмир, руда), суюқ ҳолатда учрайдиган (нефть) ёки газсимон ҳолатда учрайдиган (табиий газ) фойдали қазилмаларни қазиб олишни ўз ичига олади.


Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноати корхоналари томонидан 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 67,8 трлн сўм ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 7,6 % га тўғри келди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми
(январь-декабрь, трлн сўмда)




Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашининг
жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши

Саноат ишлаб чиқариши ФХИ,
(январь-декабрь, % да)



Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан % да *)



* йирик корхоналар бўйича, тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши
ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми


Саноат маҳсулоти	2023 йил январь-декабрь *	2024 йил январь-декабрь
Кўмир, минг т	6 469,0	8 166,1
Нефть, минг т	779,7	713,4
Табиий газ, млн куб.м	46 710,4	44 597,6
Газ конденсати, минг т	1 198,0	1 214,3

* 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан
йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган



Ишлаб чиқарадиган саноат ҳудудлар кесимида

Ишлаб чиқарадиган саноат бу – тармоқ янги маҳсулот чиқариш мақсадида модда ёки компонентларни, материалларни, гарчи ишлаб чиқаришнинг маълум тури учун бирдан-бир тўлиқ меъзон ҳисобланмаса ҳам, физик ёки кимёвий қайта ишлашни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 753,6 трлн сўмни ёки жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 85,1 % ни ташкил этди.




Саноат ишлаб чиқариши ҳажми
(январь-декабрь, трлн сўмда)



Ишлаб чиқарадиган саноатнинг жами
саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши


Саноат ишлаб чиқариши ФХИ
(январь-декабрь, % да)



Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан
ишлаб чиқарилган айрим турдаги маҳсулотлар
(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да*)



Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармокнинг улуши 1,3 % ни (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида 1,5 %), ўрта-юқори технологияли – 22,2 % (24,6 %), ўрта-қуйи технологияли – 37,7 % (37,5 %), қуйи технологияли 38,8 % (36,4 %)ни ташкил этган.




Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, тиркамалар, ярим тиркамалар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуши – 20,8 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси 106,5 %), металлургия саноатининг улуши – 22,7 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси 106,3 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 16,9 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси 110,6 %) га тўғри келди.

* тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан
ишлаб чиқарилган айрим турдаги маҳсулотлар**

(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да *)

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 17,7 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси 104,1 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 7,7 % (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси 108,1 %) ни ташкил этди.



* йирик корхоналар бўйича, тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

**Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми**

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада 1 282,1 минг тонна автомобиль бензини (2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан 3,8 % га камайган), 616,7 минг тонна ип калава (3,3 % га кўпайган), 230,6 млн литр пиво маҳсулотлари (1,7 % га камайган) ҳамда 996,3 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (6,2 % га камайган) ишлаб чиқарилган.


Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-декабрь *	2024 йил январь-декабрь
Енгил автомобиллар, (махсус енгил автомобиллардан ташқари) дона	395 724	399 327
Юк автомобиллари, дона	3 557	3 634
Автомобил двигателлари дона	269 247	269 943
Юмшоқ буғдой ва спелта уни, минг т.	1 062,3	996,3
Пахта толаси минг т.	659,1	672,7

* 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган

Юк автомобиллари ишлаб чиқариш (январь-декабрь ойларида)

Юк автомобиллари – барча турдаги юкларни ташиш учун мўлжалланган дизел ёки бошқа турдаги ёқилғи ёрдамида ҳаракатланувчи транспорт воситаси.


Республикада 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича жами 3 634 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобиллари ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 2,2 % га кўпайиш кузатилди.



Автобус ишлаб чиқариш (2024 йил январь-декабрь ойларида)

Автобус – 9 ва ундан ортиқ ўринли йўловчилар ташийдиган техник жиҳатдан механик моторли транспорт воситаси.

Республикада 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича жами 827 дона автобус ишлаб чиқарилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,2 % га камайиши кузатилди.






* тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

** йирик корхоналар бўйича



Ўзбекистон Республикасида
йирик корхоналар томонидан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш
(январь-декабрь ойларида)

Енгил автомобиллар – умумий ёки “махсус енгил автомобиллар”га бўлиниб, 2 кишидан 8 кишигача мўлжалланган транспорт воситаси.

Автомобиль ишлаб чиқариш саноатида 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 164 887 дона “Cobalt” (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39,5 % га ошди), 6 301 дона “Chery” (35,9 % га камайди), 19 328 дона “KIA” (28,5 % га ошди), 12 837 дона “Gentra” (84,4 % га камайди), 101 912 дона “Damas” (14,3 % га ошди), 25 481 дона махсус енгил автомобиллар (2,3 % га ошди), шунингдек, 45 918 дона “Tracker” (4,5 % га камайди), 41 661 дона “Onix” (36,2 % га ошган), 2 473 – дона “Haval” (18,5 мартага ошди), 6 дона “Lada” ва 4 004 – дона “BYD” автомобиллари ишлаб чиқарилди.




давоми



Ўзбекистон Республикасида
йирик корхоналар томонидан бамперлар ишлаб чиқариш
(январь-декабрь ойларида)

Бампер – автомобилнинг олд ва орқа томонида жойлашган қисми, махсус мослама бўлиб, автомобилни кичик бахтсиз ҳодисаларда жиддий шикастланишдан ҳимоя қилишдир.


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар томонидан 11 525,0 минг дона дона бамперлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27,8 % га ошган.



Автомобил двигателлари ишлаб чиқариш
(январь-декабрь ойларида)

Автомобиль двигатели – автомобилни ҳаракатга келтирувчи асосий қурилма бўлиб, 2,3,4 ва ундан ортиқ цилиндрли бўлиши мумкин.

Республиканинг машинасозлик саноатида йирик корхоналар томонидан 269,9 минг дона двигателлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 % га ошган.




* тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

** йирик корхоналар бўйича

Аккумулятор ишлаб чиқариш (январь-декабрь ойларида)

Аккумулятор – кейинчалик фойдаланиш мақсадида энергияни тўплаш ва сақлаш учун мўлжалланган қурилма.


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида машинасозлик саноатида, жами йирик корхоналар томонидан 1 146,6 минг дона аккумуляторлар ишлаб чиқарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,9 % га ошган.



Совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқариш (январь-декабрь ойларида)

Совутгич – иссиқлик изоляция қилинган хонада паст ҳароратни сақлайдиган қурилма. **Музлатгич бу** – алоҳида жиҳоз ёки музлатгичнинг ажралмас қисми, музлатиш ва сақлаш учун мўлжалланган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жами йирик корхоналар томонидан 371,7 минг дона совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36,5 % га камайган.



* тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

** йирик корхоналар бўйича

Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-декабрь *	2024 йил январь-декабрь
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар, сув муҳитида, т	16 238,1	15 887,6
Портландцемент, минг т	12 423,4	16 007,3
Тамаки маҳсулотлари, млн дона	12 753,3	14 957,4
Дизель ёқилғиси, минг т	1 012,5	948,9
Автомобиль бензини, минг т	1 332,9	1 282,1

* 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик
балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган


Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(Январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да*)

Технологик жиҳозларни капитал қайта тиклаш ишлари, кимё корхоналарида
ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб,
динатрий карбонати ишлаб чиқариш 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан
104,5 % ҳамда калий хлорид ишлаб чиқариш 110,3 % ни ташкил этди.

Динатрий карбонати

Калий хлорид




* тегишли давр учун йирик корхоналар саноат ишлаб чиқариши
ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

Металлургия саноати

Металлургия саноати – чўян ишлаб чиқариш ва қора ва рангли металлларни қайта ишлаш, жумладан, қуйма чўян ва тоза металлларга кимёвий элементлар қўшган ҳолда суперқотишмалар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, металлургия саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 22,7 % бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 6,3 % га ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 171 432,1 млрд сўмни ташкил этди.



Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш

Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – минераллар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ишлаб чиқариш турларини ўз ичига олиб, шиша ва шишадан маҳсулотлар, керамик буюмлар, кафель, черепица, терракота буюмлар, цемент ва хомашёдан тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 5,6 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 18,0 % га ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 41 980,8 млрд сўмга тўғри келди.



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – ейиладиган қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик (озиқ-овқат) маҳсулотларини, спиртсиз ичимликларни, минерал сувларни ва бошқа идишдаги сувларни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 13,8 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 104,5 % ва ишлаб чиқариш ҳажми 103 692,9 млрд сўмга тўғри келди.



Ичимликлар ишлаб чиқариш саноати

Ичимликлар ишлаб чиқариш – спиртсиз ичимликлар ва минерал сувларни ишлаб чиқаришни, спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришни, асосан ферментация методи орқали; пиво ва вино, шунингдек, дистилланган алкоголь ичимликлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 3,3 % бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 99,0 % ни ташкил этди ва ишлаб чиқариш ҳажми 25 074,2 млрд сўмга тўғри келди.



Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йигириш, шунингдек, тўқимачилик газламаларини ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик маҳсулотларига ва кийимларга безак бериш, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 11,9 % ни ташкил этган, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 11,1 % га кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми 89 451,2 млрд сўмга тўғри келади.



Кийим ишлаб чиқариш

Кийим ишлаб чиқариш – барча материаллардан (масалан, тери, тўқимачилик газламалари, тўқилган ва трикотаж газламалари ва ҳ.к.) барча тикиш маҳсулотларини кийимларнинг барча турлари, эркаклар, аёллар ва болалар учун ички кийимлар, иш, офис ёки спорт кийимлари ва ҳ.к.) ва аксессуарларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кийим ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 4,5 % бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 9,4 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 33 764,2 млрд сўмга тўғри келди.



Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – кимёвий жараёнлар ёрдамида органик ва ноорганик хомашё, материалларни қайта ишлашни ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 5,4 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 3,4 % га ошди, ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 40 621,2 млрд сўмни ташкил этган.



Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш – фойдаланиш учун тайёр бўлган хом нефть ва кўмир маҳсулотларини қайта ишлашни ҳамда этан, пропан ва бутан каби газ маҳсулотларини, нефтни қайта ишлаш заводи маҳсулотларини ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 3,7 % ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 100,5 % ни ташкил этди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 28 041,6 млрд сўмга тўғри келди.



Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш

Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – резина ва пластикдан маҳсулот ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқаришда фойдаланадиган хомашё материалларини ўз ичига олади. Лекин бу бўлимга ишлаб чиқаришнинг барча турлари ва материаллари киради дегани эмас.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 2,4 % ни, физик ҳажм индекси 127,2 % ни ташкил қилди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмида 17 755,2 млрд сўм кузатилди.



Электр ускуналари ишлаб чиқариш

Электр ускуналари ишлаб чиқариш – электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Шунингдек, бу бўлим электр ёритувчи, сигнал ускуналари ва маиший электр асбоблар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги электр ускуналари ишлаб чиқаришнинг улуши 3,5 % ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 104,5 % ни ташкил этди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 26 256,4 млрд сўм экани кузатилди.



Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш – «тоза металлдан аралашмасиз» буюмлар ишлаб чиқариш, узатиш мосламалари каби, кўрсатилган металллар (баъзида бошқа металллар билан) ва анча мураккаб бирикмалар қотишмаларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 2,4 % ни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 86,8 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 17 914,4 млрд сўмни ташкил этди.



Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш – йўловчилар ёки юкларни ташиш учун автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни шунингдек, тиркамалар ва ярим тиркамаларни ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 11,8 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси 4,5 % га ошди, ишлаб чиқариш ҳажми 88 725,4 млрд сўмни ташкил этди.




Электр, газ буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, худудлар кесимида

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш — электр энергиясини, табиий газни, бугни, иссиқ сувни ва шу кабиларни доимий тармоқлар кабеллар, кувурлар, сув кувурлари орқали етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 59,9 трлн сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,8 % ини) ташкил этган.




Саноат ишлаб чиқариши ҳажми
(январь-декабрь, трлн сўмда)



Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони
кондициялашнинг жами саноат ишлаб чиқариши
ҳажмидаги улуши*

Саноат ишлаб чиқариши ФХИ
(январь-декабрь, % да)



Электр, газ буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида
йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-декабрь*	2024 йил январь-декабрь
Жами ишлаб чиқарилган электрэнергия, млн.квт.с	77 673,0	81 287,9
шундан:		
йирик корхоналар томонидан (ҳисобот маълумотларига асосан)	77 019,6	70 780,9
кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан (қузатув маълумотларига асосан)	653,4	10 507,0
Иссиқлик энергияси, минг гкал	24 302,7	22 798,1
Қўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ, млн куб. м	77,4	107,4

* 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан
йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган

Электрэнергия ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш
(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да*)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан
электрэнергия ишлаб чиқариш 91,9 % ни, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш эса
93,8 % ни ташкил этди.




* Йирик саноат корхоналари томонидан тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши
ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш
ва утилизация қилиш, ҳудудлар кесимида

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш – қаттиқ ва суюқ, саноат ва маиший, шунингдек, заҳарланган чиқиндиларнинг барча турларига ишлов бериш (йиғиш, қайта ишлаш ва йўқотиш)ни ўз ичига олади.


Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4,5 трлн сўмга (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,5 % ига) тўғри келди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми
(январь-декабрь, трлн сўмда)




Сув билан таъминлаш, канализация тизими,
чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишининг
жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши

Саноат ишлаб чиқариши ФХИ
(январь-декабрь, % да)



млрд сўмда




Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-декабрь*	2024 йил январь-декабрь
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд сўм	464,6	637,9
Ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар млн сўм	422,2	410,3
Тўқимачилик чиқиндилари, т	19 744,7	22 635,6

* 2023 йил январь-декабрь ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган

Оқова сувларни йўқотиш, транспорт қилиш ва ишлов бериш ва ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар
(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да*)

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик чиқиндиларида 14,6 % га камайиш, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 37,3 % га кўпайиш кузатилди. Шунингдек, ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 2,8 % га камайиш кузатилди.



—●— Ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар
■ Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар


* Йирик саноат корхоналари томонидан тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш методикасига қўра

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 286,7 трлн сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 32,4 % ни ташкил этди. 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 27,0 % ни ташкил этган.

● ● млрд сўм ● улуши, % да



*Кичик тадбиркорлик субъектларининг
жамии саноат ишлаб чиқариши
ҳажмидаги улуши*



Year	Number of employees (thousands)
2020	27,9
2021	27,4
2022	26,0
2023	27,0
2024	32,4

Йиллар

4-БЎЛИМ. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасига киритилган 2 270 та лойиҳа бўйича 110,2 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 1 136,3 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Шу билан бирга 15 311 та янги иш ўринлари яратилди.



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларга ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади:

ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар).

Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариши ҳажми – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан, корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот.

Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

Маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва аксиялар бундан мустасно).

Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш – табиатда қаттиқ жинслар шаклида учрайдиган (кўмир, руда), суюқ ҳолатда учрайдиган (нефт) ёки газсимон ҳолатда учрайдиган (табiiй газ) фойдали қазилмаларни қазиб олишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқарадиган саноат – янги маҳсулот чиқариш мақсадида модда ёки компонентларни, материалларни физик ёки кимёвий қайта ишлашни, гарчи ишлаб чиқаришнинг маълум тури учун бирдан-бир тўлиқ мезон ҳисобланмаса ҳам, ўз ичига олади.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – электр энергиясини, табiiй газни, буғни, иссиқ сувни ва шу кабиларни доимий тармоқлар – кабеллар, қувурлар, сув қувурлари орқали етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш – қаттиқ ва суюқ, саноат ва маиший, шунингдек, заҳарланган чиқиндиларнинг барча турларига ишлов бериш (йиғиш, қайта ишлаш ва йўқотиш)ни ўз ичига олади.